



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING  
QARORI**

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “26” mart

Қ-221 -son

Termiz sh.

**Ангор тумани “Амударё” массиви худудидан  
“RAMAZON AZIZA SURXON” оилавий  
корхонасига “Интенсив боғдорчилик”ни  
ташкил этиш учун ер майдони ажратиш  
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 05 январдаги 05-02/7-сон йиғилиш баёни, Ангор тумани ҳокимининг 2020 йил 04 декабрдаги 349/01-19-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Ангор тумани “Амударё” массиви худудидан “RAMAZON AZIZA SURXON” оилавий корхонасига туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 124-дала контуридаги жами 5,22 гектар, шундан 5,1 гектар яйлов ер, 0,1 гектар ариқ ва 0,02 гектар йўл билан банд бўлган ер майдонлари “Интенсив боғдорчилик”ни ташкил этиш учун (49 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов)га ажратилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботиغا тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов